

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

СУЛТАНОВ АЛИШЕР САИДАББАСОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ НЕФТЛАР ВА ГАЗЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Султанов Алишер Саидаббасович

Маҳаллий нефтлар ва газларни тайёрлаш технологияларини уларнинг коллоид-кимёвий хусусиятлари асосида такомиллаштириш 3

Султанов Алишер Саидаббасович

Совершенствование технологий подготовки местных нефтей и газов на основе их коллоидно-химических свойств 29

Sultanov Alisher Saidabbasovich

Improvement of technologies for preparation of local oils and gases based on their colloid-chemical properties 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

СУЛТАНОВ АЛИШЕР САИДАББАСОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ НЕФТЛАР ВА ГАЗЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Т367.рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдурахимов Саидқабар Абдурахмонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Улуг Каримович
кимё фанлари доктори, профессор.

Юнусов Мираҳмад Пулатович
техника фанлари доктори, профессор

Фозилов Садриддин Файзуллаевич
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 30 » октябрь 2020 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2020 йил «10» октябрь куни тарқатилди.
(2020 йил « 10 » октябрь № 16 - рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С. Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

Ш.С. Намозов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
т.ф.д., проф., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, дунёда инсонлар фаровонлиги ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири, бу нефть ва газ маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш орқали сайёрамизнинг экологик ҳолатини ҳам яхшиланиши мумкин. Бунда, саноат миқёсида қайта ишлаш учун нефть ва газларни тайёрлашда ноанъанавий усулларидан фойдаланиш, уларнинг таркиби ва коллоид-кимёвий хоссалари билан боғлиқдир. Шу сабабли, комплекс-тизимли ечимлардан фойдаланиб нефть ва газларни қазиб олиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда дунёда, нефть ва газларнинг кўп компонентли таркиби ва полифункционал хоссаларининг махсус ўзига хос хусусиятларига асосланган тайёрлаш технологияларининг самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги илмий ечимларни асослаш: саноат миқёсида қайта ишлашга нефть ва газларни тайёрлашда уларнинг таркибини барқарорлаштириш; турғун сув-нефтли эмульсияларини деэмульгирлаш; юқори қовушқоқли нефтларнинг оқувчанлигини ошириш; хомашё газларни кислотали ва бошқа зарарли кўшимчалардан тозалаш; маҳаллий хомашё асосида хомашё газларини курийтиш ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун полифункционал адсорбентларни ишлаб чиқиш зарур.

Республикада саноат миқёсида қайта ишлаш учун маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологияларини ривожлантириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан коллоид-кимёвий хоссалари асосида маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш ва уларни инновацион илмий-амалий ечимлардан фойдаланиб, қайта ишлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сонли «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони.

оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Нефть ва газларни қазиб олиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш технологиялари, қовушқоқликни пасайтирувчи ишланмалар, турғун сув-нефтли эмульсияларни парчалаш учун деэмульгаторлар, газларни қуритиш учун адсорбентлар ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Kuwait Institute for Scientific Research (Қувайт), Japan Petroleum Institute, Tokyo national university (Япония), Heriot Watt Institute of Petroleum Engineering (Буюк Британия), French Petroleum Institute (Франция), Australian School of Petroleum (Австралия), University of Cincinnati, California Institute of Technology (АҚШ), Technical University of Denmark (Дания), The University of Aberdeen (Шотландия), Norwegian University of Science and Technology (Норвегия), Petroleum Chemistry Petroleum Application Department Egyptian Petroleum Research Institute (Миср), Federal University of Rio de Janeiro (Бразилия), The Petroleum Institute Abu Dhabi (БАА), И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети (Россия Федерацияси), Козон давлат технология университети, Тюмень давлат нефтьгаз университети (Россия Федерацияси), Уфа давлат нефть-техника университети (Россия Федерацияси), Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институт ва И.Каримов номидаги Ташкент давлат техника университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунёда, нефть ва газларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: турли табиатли сирт-фаол моддалар асосида турғун сув-нефтли эмульсияларни парчаловчи полифункционал деэмульгаторлар ишлаб чиқилган (АҚШ); мураккаб эфирлар ва спиртлар асосида деэмульгаторларнинг композициялари яратилган (Франция); кимё саноати чиқиндилари асосида юқори смолали нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчи реагент яратилган (Россия Федерацияси); ташқи таъсирдан фойдаланган ҳолда, нефть ва газларни тайёрлаш жараёнларини жадаллаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси); хомашё газларни қуритиш ва ишлатилган аминли эритмаларни зарарли моддалардан тозалаш учун селектив адсорбентлар яратилган (Япония); янги кимёвий реагентлардан фойдаланиб, нефть ва газларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш бўйича ноанъанавий усуллар яратилган (Буюк Британия).

Дунёда маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологияларини

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи https://chemistry.ru/printletter.php?tn_id=4920, <http://www.neftelib.ru/neft-slovar-list/r/656/index.shtml>, webmaster: webmaster@ogbus.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

такомиллаштириш ва бир катор устувор йўналишлар бўйича катор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: маҳаллий нефть ва газларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш; таркибидаги зарарли компонентларни чиқариб ташлаш мақсадида маҳаллий нефть ва газларнинг таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини тизимли таҳлил қилиш; маҳаллий нефтлардан турғун сув-нефтли эмульсиялар шаклланишини ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссалари асослаш, маҳаллий хомашё асосида хомашё газларини қуритиш ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун полифункционал адсорбентларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефть ва газларни тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, ҳамда технологик жараёнларни математик моделлаштириш ва оптималлаш масалалари билан қуйидаги олимлар Georgios Dimitrakis, Priscila Menechini, Djon Briigs, Manar El-Sayed Abdel-Raouf, Аль-Обайди Адель Шариф Хамади, Jean-Louis Salager, Jean-Francois Argillier, Masselvayt P.R., Filip Sherman, Yunger-Loxmann, A.A. Abramzon, Kitchener J.A., Tetsuya Hanai, Лутошкина Г.С., Ребиндера П.А., Тронова В.П., Сахабутдинова Р.З., Хамидулина Р.Ф., Капустина Н.Н. ва бошқалар шуғулланадилар.

Маҳаллий нефть ва газларнинг коллоид-кимёвий хоссалари Рябова Н.Д., Дмитриев П.П., Ходжаев Г.Х., Абидова М.Ф., Салимов З.С., Хамидов Б.Н., Нарметова Г.Р., Ахмедов У.К., Абдурахимов С.А., Эшметов И.Д., Адизов Б.З., Фозилов С.Ф. ва бошқалар олимлар томонидан ўрганилган.

Қайд этиш лозимки, коллоид-кимёвий хоссалари асосида маҳаллий нефть ва газларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ҳозирги кунгача олиб борилмаган. Юқори смолали нефтлар қовушқоқлигини пасайтирувчилар, турғун сув-нефтли эмульсияларни парчаловчи деэмульгаторлар, газларни қуритиш ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун адсорбентларнинг импорти нефт-газ саноати учун жуда қимматга тушади. Мазкур тадқиқот ишида маҳаллий нефть ва газларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш ҳамда маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш бўйича ечимлар таклиф этилган бўлиб, улар нефт-газ саноатини техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг ФА-А13-Т131 сон «Рангли металлургия технологик чиқиндилари, нефт-газ саноати чиқиндилари ва ўсимлик хомашёсини қайта ишлаш маҳсулотларини адсорбцион тозалаш технологияси» номли амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий нефтлар ва газларни тайёрлаш технологияларини уларнинг коллоид-кимёвий хусусиятлари асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий нефть ва газларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;

таркибидаги чиқариб ташланадиган зарарли компонентларни аниқлаш мақсадида маҳаллий нефть ва газларнинг таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини тизимли ўрганиш;

маҳаллий нефтлардан турғун сув-нефтли эмульсиялар шаклланишини ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

ёғ-мой саноати иккиламчи хомашёси асосида турғун сув-нефтли эмульсияларни парчаловчи деэмульгаторларни ишлаб чиқиш;

техник фосфолипидли сирт-фаол моддалар ва биопланетар аралаштиргичдан фойдаланиб, маҳаллий нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш ва оқувчанлигини ошириш;

маҳаллий хомашё асосида хомашё газларини қуритиш ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун полифункционал адсорбентларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган эмульгаторлар, юқори смолали нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчилар ҳамда маҳаллий хомашё ресурсларидан олинган, хомашё газларини қуритиш ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун ишлатиладиган адсорбентлардан фойдаланиб ва технологик режимларини оптималлаштириш усули ҳамда қувурлар ва жиҳозлар коррозияси ингибиторлари ёрдамида маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Жарқўрғон» НКЭ, «Андижон» ва «Мингбулок» НТҚ ва бошқа жойлардан олинадиган маҳаллий нефть ва турғун сув-нефтли эмульсиялари ҳамда Шўртан ГКМнинг ГТҚ дан келувчи хомашё газларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий сув-нефтли эмульсиялар, нефтлар ва хомашё газларининг таркиби ва коллоид-кимёвий хоссалари асосида саноатга тайёрлаш технологиялари қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда сув-нефтли эмульсиялар, нефтлар ва хомашё газларнинг физик-кимёвий, коллоид-кимёвий, ЯМР, ИК-спектроскопик, электрон-микроскопик таҳлил усулларидан фойдаланилган. Ўтказилган тажрибалардан олинган натижаларнинг ҳисоб-китоби махсус компьютер дастурлари MS Word, Matlab ва MS Excelдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий нефть ва газларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришга тизимли ёндашиб, уларнинг турғунлиги ва бир бутунлик кўрсаткичларини аниқлаш методологияси ишлаб чиқилган;

саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилувчи маҳаллий сув-нефтли эмульсиялар, нефтлар ва хомашё газларининг таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

дистилланган пахта ёғ-кислотаси асосида турғун сув-нефтли эмульсияларни парчаловчи деэмульгаторлар ва уларнинг композициялари ишлаб чиқилган;

маҳаллий оғир нефтларни деэмульгаторлашда ишлаб чиқилган деэмульгатор композицияларини қўллашнинг оптимал шарт-шароитлари аниқланган;

техник фосфолипидли сирт-фаол моддалар асосида юқори смолали нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчилар яратилган;

бипланетар аралаштиргич ва ишлаб чиқилган сирт-фаол моддадан фойдаланиб, юқори қовушқоқли нефтларнинг оқувчанлигини ошириш усули ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашё асосида хомашё газларини қуритиш ва ишлатиладиган аминли эритмаларни тозалаш ва уларнинг таркибидаги зарарли моддаларни селектив сорбция қилувчи полифункционал кўмир-каолинли адсорбент ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган деэмульгаторлар, қовушқоқликни пасайтирувчилар, полифункционал кўмир-каолинли адсорбентлар ҳамда жиҳозлар ва қувурлар коррозияси ингибиторларидан фойдаланиб, маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологиялари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёғ-мой саноати иккиламчи хомашёси асосида турғун сув-нефтли эмульсияларни парчалаш учун деэмульгаторлар ишлаб чиқилган;

юқори смолали нефтларнинг оқувчанлигини оширувчи қовушқоқликни пасайтиргич яратилган;

хомашё газларини қуритиш ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун «абсорбер-десорбер» тизимида айланиб, оқувчи композицион адсорбентлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (калориметрик, рентгенфаза, ИК-спектр, визуаль-политермик) таҳлил натижалари, тажриба-лаборатория қурилмаларида ва саноат-тажриба синовларидан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор коллоид-кимёвий хоссалари асосида нефть ва хомашё газларни тайёрлаш технологияларини тизимли тадқиқ қилишнинг методологик асослари яратилганлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, ишлаб чиқилган деэмульгатор композициялари ва юқори смолали нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтиргичлардан фойдаланиб, маҳаллий нефть ва хомашё газларини саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлашнинг ноанъанавий усуллари ҳамда хомашё газларини қуритиш ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун ишлатиладиган адсорбентлар ишлаб чиқаришга асос бўлади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти деэмульгаторлар композициялари ва юқори смолали нефтлар қовушқоқлигини пасайтиргичларини ишлаб чиқилганлиги ҳамда хомашё газларини қуритиш

ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун кўмир-каолинли адсорбентлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коллоид-кимёвий хоссалари асосида маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

коррозия олигомер ингибиторларини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патентлар олинган (IAP 03969, 2009 й.). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида импорт ўрнини босувчи коррозия ингибиторлари олиш имконини берган;

ишлаб чиқилган деэмульгаторлар композицияларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий турғун сув-нефтли эмульсияларни парчалаш технологияси «Жарқўрғоннефть» АЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 29 августдаги 04-24-09-сон маълумотнома). Натижада, нефтни тайёрлашни 8-10% ошириш ва қимматбаҳо чет элдан келтириладиган деэмульгаторларни маҳаллийлаштириш имконини берган;

ишлаб чиқилган қовушқоқлик пасайтиргичларни қўллаб, юқори катронли нефтлар оқувчанлигини ошириш технологияси «Жарқўрғоннефть» АЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 29 августдаги 04-24-09-сон маълумотнома). Натижада, электроэнергия ва иссиқлик сарфини 10-15% ва 20-25% га камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган кўмир-каолинли адсорбентларни қўллаб ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш технологияси Шўртан ГКМда амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 29 августдаги 04-24-09-сон маълумотнома). Натижада хомашё газини тозалаш даражаси 10-15% ошган, аминли эритманинг сарфи 7-10% камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 33 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 монография, Ўзбекистон Республикасининг 3 та ихтиро патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Нефть ва газларни қайта ишлашга тайёрлаш технологиясида уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларининг роли»** деб номланган биринчи бобида, илмий-техник нашрлар ва патент маълумотлари асосида нефть ва газлар коллоид кимёси, уларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш ҳамда коллоид-кимёвий хоссалари асосида маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологияларининг ривожланиш истиқболлари соҳасидаги назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган. Жумладан, нефтларнинг коллоид-кимёвий ва реологик хоссалари, сув-нефтли эмульсияларни сувсизлантириш ва тузсизлаштириш, хомашё газларнинг таркиби ва хоссалари ҳамда уларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш масалалари кўриб чиқилган. Маълумотларни танкидий таҳлили асосида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Коллоид-кимёвий хоссаларини инобатга олган ҳолда маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришнинг методологик асослари»** деб номланган иккинчи боби ҳозирги кунда фойдаланиладиган маҳаллий нефтларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологияларини тизимли ўрганиш, хомашё газни тайёрлаш технологиясини тизимли таҳлили ҳамда газни қайта ишлаш саноатини оптималлаштириш ва такомиллаштириш масалаларини ҳал қилиш учун хомашё газ сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолашга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир кимёвий-технологик тизим учун илмий-тадқиқот ишларининг схемасини (алгоритмининг) шакллантириш зарур ва бу схема оддийдан мураккабгача бўлган ишлаб чиқариш синовлари асосида шакллантирилади.


Мазкур схемада параллел равишда тадқиқотнинг бошқа масалаларига зиён етказмаган ҳолда локал шароитларда бир нечта ишларни бажариш мумкин. Нефть ва табиий газларни турли чуқурликлардаги пластлар ва қудуклардан қазиб олинади, аммо уларни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш технологиясида бир катор умумий принципиал методологик асослар мавжуд бўлиб, уларсиз бу жараёнларни модернизация қилиш ва технологик режимларни оптималлаштириш масалаларини ҳал қилиш жуда қийин.

Нефть-газ саноатида, янги ишлаб чиқаришларни компьютер ёрдамида моделлаштириш ва лойиҳалашнинг ривожланиши сабабли, бундай ишлар кенг тарқалиб бормоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз коллоид-кимёвий хоссаларини инобатга олиб, маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни ташкил қилишнинг умумий схемасини ишлаб чиқдик (1-расм).


Нефть ва газларни қайта ишлашга тайёрлаш технологияларини тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш методологияси тизимли ёндошувга, яъни янги технологиянинг таҳлили ва синтезига асосланиши лозим.

1-расмда таклиф этилаётган методология, яъни тадқиқотлар кетма-кетлигининг биринчи-тўртинчи даражаларида мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб олиш имконини беради. Шу билан бирга, ҳар бир даражада мақсадга эришиш учун ўзаро боғлиқ бўлган ва ўзаро таъсир килувчи технология, иқтисодиёт ва экологиянинг масалалари ўз ечимини топмоқда.



1-расм. Коллоид-кимёвий хоссалари инобатга олинган ҳолда маҳаллий нефть ва газларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни ташкил килиш (алгоритмлаш) схемаси

2-расмда кўрсатилгандек, НТҚнинг намунали технологик схемасини, тўрта функционал А, В, С ва Д тизимларга ажратиш мумкин. Бу тизимлар, бир-бири билан элементлари ва шу элементлар бирикмаларининг миқдори билан фарқланувчи турли технологик схемаларга мужассамлаштирилиши мумкин.



2-расм. НТҚда қуйитизимларнинг мақсадга эришиш кетма-кетлиги

2-расмда: А - саноат миқёсида қайта ишлаш учун стандарт хомашё нефтни олиш, В - нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш, С - СНЭни газсизлаштириш, Д - СНЭни узатиш.

Биз, таркибий жараёнларнинг турғунлигини ҳисоб-китоб қилган ҳолда, НТҚнинг яхлитлигини ўрганиб чиқдик.

Кузатув маълумотларини қайта ишлаш натижасида НТҚ яхлитлигининг қуйидаги тенгламаси шаклланди:

$$N_{дсва} = \eta_d + \eta_{с/д} + \eta_{в/с} + \eta_{а/в} - 3 = 0,81 + 0,73 + 0,76 + 0,87 - 3 = 0,17; \quad (1)$$

Тенгламадан (1) кўриниб турибдики НТҚ даги жараёнлар турғунлиги паст бўлиб, асосан у мазкур курилмага келувчи СНЭ таркибининг кескин ўзгарувчанлиги билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, НТҚ нинг тизим таҳлилига кўра, мазкур технологик курилма етарлича мукамал эмас, яъни, унда паст турғунликка эга жараёнлар мавжуддир. Бу, мазкур технологик тизимнинг яхлитлик кўрсаткичига ҳам, ўз таъсирини кўрсатган. Шу сабабли, СНЭ дан чиқадиган қатлам сувлари ва минерал тузларни ажратишнинг асосий жараёнларини такомиллаштириш нефтни саноат миқёсида қайта ишлашга тайёрлаш сифатини яхшилаш имконини беради.

Хомашё газни тайёрлаш технологиясида нисбатан мураккаб бўлган жараёнлар бу уни кислотали компонентлардан (CO₂ ва H₂S) абсорбцион тозалаш ва уларни ишлатилган аминли эритмадан десорбциялашдир.

Булар, кўриб чиқиладиган қуйитизимларнинг яхлитлик кўрсаткичларида ҳам ўз тасдиқини топган ва улар 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал

**Хомашё газни қайта ишлашга тайёрлаш
технологик линиясининг яхлитлик кўрсаткичлари**

Кўрсаткичнинг номланиши	Шу турдаги 8 та қуйитизимларнинг яхлитлик кўрсаткичлари							
	1	2	3	4	5	6	7	8
Яхлитлик	0,08	0,79	0,24	0,51	0,79	0,81	0,82	0,87
Четга чиқиш:								
Ошиши (+)	0,02	0,12	0,04	0,08	0,11	0,14	0,15	0,16
Камайиши (-)	0,01	0,08	0,02	0,06	0,09	0,12	0,13	0,14

Юқорида қайд этилган масалаларни ҳал қилишда хомашё газни қайта ишлашга тайёрлашнинг комплекс сифат кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Буларни инобатга олиб, биз Харрингтон функцияси асосида локал кўрсаткичларни умумий ўлчовсиз сифат кўрсаткичигача ўзгартирувчи алгоритминини ишлаб чиқдик (3-расм).



3-расм. Хомашё газни қайта ишлашга тайёрлашнинг комплексли сифат кўрсаткичини ҳисоблаш алгоритмининг блок-схемаси

Шундай қилиб, Харрингтон функцияси асосида ишлаб чиқилган хомашё газни тайёрлашнинг комплекс сифат кўрсаткичи ўрганиб чиқиладиган жараёнларни амалга ошириш учун оптимал шароитларни танлашда ҳисоб-китоблар ҳажмини қисқартириш имконини беради.

Диссертациянинг **“НТҚ ва ГТК га келувчи маҳаллий нефть ва газларнинг кўп компонентли таркиби ва хоссаларини тадқиқ қилиш”** деб номланган учинчи боби нефтни тайёрлаш курилмасига (НТК) келувчи маҳаллий нефтларнинг таркиби ва асосий хоссаларини тадқиқ қилиш, маҳаллий турғун сув-нефтли эмульсияларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш ҳамда газни тайёрлаш курилмасига (ГТК) келувчи маҳаллий табиий газларнинг ўзига хос таркиби ва хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Ўзбекистонда бугунги кунда таркиби ва хоссалари турлича бўлган нефтлар қазиб олинади ва уларнинг тайёрлаш учун таҳлил ўтказиш орқали НТҚ нинг оптимал технологик шароитларини аниқлаш лозим. Таркиби ва хоссалари бўйича ўзаро кескин фарқланувчи нефтларни аралаштириш ва нефть аралашмасининг меъёрлаштирилган кўрсаткичлари асосида тайёрлаш технологиясини ташкил қилиш, зарарли компонентларни чиқариб ташлаш бўйича янги масалалар пайдо бўлганлиги сабабли, мазкур вазифани ечиш мураккаб ҳисобланади.

Шу сабабли, таркиби ва хоссалари яқин бўлган нефтларни тайёрлашда уларни бирлаштириш, фикримизча, нисбатан тўғри бўлар эди. НТҚга келувчи маҳаллий нефтлар таркиби ва хоссалари бўйича кескин фарқ килувчи кўрсаткичларга эга. Масалан, Жаркўрғон нефтларининг зичлиги, қуюқлашиш ҳарорати, олтингугурт миқдори ва асфальтенлар бўйича юқори кўрсаткичларга эга.

Биз, ҳароратга боғлиқ ҳолда маҳаллий нефтларнинг кинематик қовушқоқлигининг ўзгарувчанлигини ўргандик ва аниқланишича, улар экспоненциаль қонун бўйича пасайиб борар экан. Шўрчи, Джарқоқ ва Миршоди конларининг нефтида парафинларнинг миқдори Кўкдумалоқ ва Зеварда нефть қазилма-конларининг нефтидаги шу кўрсаткичдан 5-5,5% га кўп экан. Шу билан бирга биринчи кўрсатилганларда силикагелли смоллалар миқдори, иккинчи кондагиларникидан 3,5-4,0% кўпроқ. Шунга ўхшаш ҳолат асфальтенлар ва олтингугурт миқдори бўйича ҳам кузатилган.

Шу сабабли, кескин фарқланувчи нефтларни тайёрлаш даврида аралаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Белгиланган классификация бўйича: энгил нефтларга - зичлиги 830 дан 870 кг/м³ гача бўлган ва таркибида парафинлар миқдори 5% дан кўп бўлмаган нефтлар киради; “парафинли” нефтларга – таркибида 5% дан юқори парафинлар ва қотиш ҳарорати +5 дан +35°С гача бўлган нефтлар киради; “юқори қовушқоқли” нефтларга – зичлиги 870 кг/м³ дан юқори бўлган нефтлар киради.

Мазкур классификацияга мувофиқ маҳаллий нефтлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: “енгил” нефтларга - Кўкдумалоқ, Зеварда ва Шимолий Сох қазилма-конларидан олинандиган нефтлар киради; “парафинли” нефтларга - Мингбулоқ, Жанубий Аламишиқ, Андижон, Амударьё, Коштар, Варык ва Занкыз қазилма-конларидан олинандиган нефтлар киради; “юқори

қовушқоқли” нефтларга – Шимолий Ўртабулоқ, Крук, Ляльмикар, Кокайты ва Миршади қазилма-конларидан олинадиган нефтлар киради.

Буни инобатга олган ҳолда, 4-расмда келтирилган, маҳаллий нефтлар локал кўрсаткичларининг аддитив улушлари ҳисобидан нефть аралашмалари асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва прогнозлаштириш алгоритмини ишлаб чиққанмиз.



Нефть аралашмаларини мазкур алгоритмдан фойдаланган ҳолда ЭХМ да ҳисоблаш орқали унинг зарурий физик-кимёвий кўрсаткичларини прогнозлаштириш мумкин. Шу билан бирга, прогнозлаштириш қийматларидаги нисбий хатолик 5% дан ошмайди ва бу унинг юқори аниқликка эга эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Республикамизда нефтнинг катта қисми турғун сув-нефтли эмульсия (СНЭ) кўринишида қазиб олинади ва НТҚ га етказилади.

2-жадвалда маҳаллий СНЭ лар нефти ($\Delta\rho$) ва қатлам сувларнинг зичлиги ўртасидаги фарқларнинг таҳлил натижалари келтирилган.

2-жадвал

Маҳаллий сув-нефтли эмульсияларнинг (СНЭ) $\Delta\rho$ ва $(a+c)/\rho$ кўрсаткичлари

СНЭ конлари	$\Delta\rho$, г/см ³ кўрсаткичлари	$(a+c)/\rho$ кўрсаткичлари
Кокдумалоқ (намуна)	0,271÷0,275	0,185÷1,248
Зеварда	0,278÷0,282	1,214÷1,263
Джаркак	0,221÷0,235	2,815÷3,451
Шурчи	0,212÷0,218	2,964÷3,693
Мингбулак	0,156÷0,170	4,731÷4,916
Жарқўрғон	0,165÷0,172	4,821÷5,627

2-жадвалдан кўришиб турибдики, маҳаллий СНЭларда енгил ажраладигани мавжуд эмас. Кокдумалоқ ва Зеварда кони СНЭлари қатламланадиганларга, қолганлари эса - кийин қатламланадиган эмульсияларга

таъаллуқлидир. Уларнинг орасида Мингбулак ва Жарқўрғон кони СНЭлари фаол деэмульгаторлар бўлганда ҳам, қатламланишга кийин учрайди.

Солиштириш учун, 2-жадвалда келтирилган, ўрганилган маҳаллий нефтларнинг (а+с)/п қийматлари аниқланди.

2-жадвалдан кўришиб турибдики, (а+с)/п кўрсаткичи бўйича Мингбулок ва Жарқўрғон қазилма-конидан олинган маҳаллий СНЭ юқори-смолали эмульсияларга, Джаркак ва Шурчи – смолали, Зевадра ва Кокдумалоқ аралаш СНЭларга тааллуқли экан.

Қайд этиш лозимки, қатлам сувлари рН кўрсаткичи нейтралдан ($pH=7,0$) кислотали ($pH\leq 3,0$) ёки ишқорийга ($pH\geq 9,0$) ўзгариши дисперс тизимлар турғунлигини анча пасайтиради. Демак, СНЭ юқори турғунлиги нейтрал муҳитда $pH=7,0$ бўлганида кузатилади. СНЭ турғунлигига таъсири бўйича минерал тузлар куйидаги қатор бўйича жойлашади: ишқорий > хлорли > аралаш тузлар.

Шундай қилиб, маҳаллий СНЭларнинг таркиби ва хоссаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни тайёрлаш технологиясини рационал ташкил қилиш учун, нефтаралашмалар кўрсаткичларининг таклиф этилаётган ҳисоблаш ва прогнозлаштириш алгоритмидан фойдаланиб, уларни ўзаро яқин бўлган сифат кўрсаткичлари бўйича аралаштириш лозимдир.

Республикамизда газни қайта ишлаш ва полиэтилен ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланиши Шўртан ГКМ га хомашё газни етказиб бериш технологик линияларини модернизациялашни тақозо этади ва бу ўз навбатида, этанга бой бўлган, табиий газнинг янги қазилма-конларини танлаш билан боғлиқдир. Бу жихатдан, Шўртон ГКМга хомашё газни етказиб бериш амалдаги технологик линияларини таҳлилдан ўтказиш зарур, ва шу билан бирга, мавжуд қувурлар схемаси ва уларнинг ўтказувчанлик хоссасини ўзгартириш лозимдир.

Шўртон ГКМнинг хомашё базасини ривожлантириш учун, таркибида катта миқдорда этан бўлган, «Гиссарнефтегаз» ҚК табиий газининг бир қисмидан фойдаланиш имконияти ўрганиб чиқилди. Шу билан бирга, комплексга «Шуртаннефтегаз» шўъба корхонасидан газ етказиш бериш линияси сақланган (фақатгина, Шўртон гуруҳи қазилма-конлари ва «Гиссарнефтегаз» ҚК ўртасидаги газлар нисбати ўзгартирилган).

«Гиссарнефтегаз» ҚК қазилма-конларидан чиқадиган газнинг ГБТҚ дан кейинги таркиби 3-жадвалда келтирилган.

«Гиссарнефтегаз» ҚК газининг таркибида юқори миқдорда этан бўлган қазилма-конлари мавжуд (Шимолий Гузар 6,34% ва Шимолий Гузар-2 6,19%). Бошқа қазилма-конларидаги газларнинг таркибида этан миқдори тахминан 2 баробарга кам, аммо уларнинг таркибида CO_2 нинг миқдори 3,2% дан кўп. Шимолий Гузар қазилма-кони газидаги CO_2 миқдори 0,7 - 0,8% оралиғида, H_2S нинг миқдори эса – 0,3%. Қолган қазилма-конларида мазкур кўрсаткич 0,016% дан ошмайди.

«Гиссарнефтегаз» ҚК қазилма-конларидан чиқадиган
газнинг ГБТҚ дан кейинги таркиби

Кўрсаткичлар номи	Газ конлари номи			
	Шимолий Нишан + Бишкент + Қамаши	Шимолий Нишан + Бишкент + Қамаши	Шимолий Гузар	Шимолий Гузар
Намуна шартлари	P=7,45 МПа, t=40°C	P=7,45 МПа, t=40°C	P=9,9 МПа, t=31°C	P=9,9 МПа, t=31°C
1. Компонентларнинг моляр улуши, %	1-намуна	2-намуна	3-намуна	4-намуна
CH ₄	89,794	88,044	81,9	82,51
C ₂ H ₆	3,56	3,45	6,34	6,19
C ₃ H ₈	1,11	1,11	2,74	2,69
iC ₄ H ₁₀	0,190	0,190	0,53	0,49
nC ₄ H ₁₀	0,33	0,33	0,69	0,62
iC ₅ H ₁₂	0,12	0,12	0,28	0,24
nC ₅ H ₁₂	0,13	0,14	0,20	0,18
C _{6+в}	0,32	0,41	0,63	0,42
N ₂	1,21	2,98	5,68	5,55
CO ₂	3,22	3,21	0,71	0,81
H ₂ S	0,016	0,016	0,3	0,3
Жами:	100,0	100,0	100,0	100,0
2. Газларнинг молекуляр массаси, кг/кмоль	18,485	18,743	19,857	19,615
3. Газнинг зичлиги 20°C, кг/м ³	0,769	0,78	0,826	0,816
4. Моляр улуши C _{5+ю} , %	0,57	0,67	36,94	27,95
5. Массовий концентрация C _{5+в} , г/м ³	18,97	22,3	50,8	162,3
6. Молекуляр масса C _{5+ю} , кг/кмоль	80,0	80,0	80,0	80,0

Шундай қилиб, хомашё газларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган техник масалаларни ечишда асосий эътиборни уларни тайёрлаш технологиясига, яъни, мазкур ишда кўриб чиқиладиган кислотали компонентларни аминли эритмалар билан чиқариб ташлаш масаласига қаратиш лозим.


Диссертациянинг «**Маҳаллий нефтларни қайта ишлашга тайёрлаш асосий жараёнларини тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи боби турғун СНЭ парчалош учун маҳаллий деэмульгаторлар ва уларнинг композицияларини ишлаб чиқариш, турғун СНЭ парчалошда ишлаб чиқилган деэмульгатор композицияларнинг коллоид-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш, юқори қовушқоқ нефтларни оқувчанлигини оширишда механик аралаштириш интенсивлигининг таъсири тадқиқ қилиш, юқори қовушқоқ нефтларни оқувчанлигини ошириш учун маҳаллий СФМ танлашга бағишланган.

Маълумки, мамлакатимизда нефтнинг 75% дан ортиғи сув-нефтли эмульсиялар (СНЭ) кўринишида қазиб олинади, ва уларнинг кўпчилиги турғун бўлган хоссаларга эга.

Импорт бўйича сотиб олинadиган деэмульгаторлар, қимматлиги ва

катта транспорт харажатлари сабабли, маҳаллий нефтларни қайта ишлашга тайёрлаш таннархини ошириб юборади.

Ўзбекистонда қазиб олинган нефтларнинг кўпчилигида смолалар, асфальтенлар, парафинлар, олтингугурт ва бошқа моддаларнинг миқдори жуда юқори ва улар юқори қовушқоқлик хусусиятини таъминлайди.



5-расм. ПС ДЭК дан 1-ДЭКД, 2-ДЭКЖ ва 3-ДЭКД деэмульгаторларини олиш блок-схемаси

Шу сабабли, юқори қовушқоқликка эга маҳаллий нефтлар оқувчанлигини ошириш учун юқори молекуляр бирикмалардан фойдаланишни тақозо этади.

Маҳаллий деэмульгаторларни олиш учун биз пахта соапстоки ёғ кислоталари (ПС ЁК) спиртларининг турли модификацияларини ишлаб чиқдик ва улар 5-расмдаги блок-схемада келтирилган. ПС ДЭК асосида олинган деэмульгаторларнинг коллоид-кимёвий кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Ишлаб чиқилган деэмульгаторларнинг коллоид-кимёвий кўрсаткичлари

Деэмульгаторлар номи	Қовушқоқлик, сст	Сирт таранглиги, дин/см	25°C, см ³ кўпикланиш қобилияти	Хўлланиш хусусияти, "	pH
Дисольван-4011 (контроль)	0,96	63-66	340-370	11-13	8,7-8,9
1-ДЭКД	0,67	35-41	210-260	19-22	9,4-9,8
2-ДЭКД	0,61	29-38	210-250	16-18	6,9-7,1
3-ДЭКД	0,73	22-39	330-380	18-21	7,0-7,9

4-жадвалдан кўришиб турибдики, синтезланган деэмульгаторлар ўзининг

коллоид-кимёвий кўрсаткичлари, бир хомашёдан тайёрланганлигига карамасдан (ПС ДЁК), ўзаро фарқ килади. Улардан 1-ДЁКД ва 2-ДЁКД, 3-ДЁКД билан солиштирилганда, сувда яхшироқ эрийди, ҳамда нисбатан паст бўлган кўпик шакллантириш хоссасига эга.

Сўзсиз, битта деэмульгаторда, турғун СНЭларни парчалаши учун зарур бўлган барча талаб этилаётган кўрсаткичларни бирлаштиришнинг деярли имкони йўқ. Шу сабабли, ҳозирги вақтда турғунликка эга бўлган СНЭлар парчаланишини таъминловчи деэмульгаторлар композициялари яратилмоқда. Бундай СНЭларда сув томчиларидан иборат қобикда, СФМ лардан ташқари, юқори дисперсли механик қўшимчалар, минерал тузлар, асфальтенлар, смолалар, парафин ва бошқа копмлекс-шакллантирувчи моддалар мавжуд бўлиб, улар СНЭнинг механик мустаҳкамлигини таъминлайдилар.

ДЁКсини тозалашдан олинган гудроннинг таркибида ионогенли СФМларнинг, яъни совунларнинг, куйидаги турлари мавжуд бўлади: $2\text{RCOONa}\cdot\text{RCOONa}$; $\text{RCOONa}\cdot\text{RCOONa}\cdot\text{RCOONa}$ и $2\text{RCOONa}\cdot\text{RCOONa}$. Бу совунлар, сувда, сирт таранглиги паст, намлантириш ва ювиш хоссалари юқори бўлган, сирт-фаол эритмаларни шакллантирадилар. Госсипол полифеноли кимёвий реакцияларда кучли икки асосли кислота сифатини кўрсатади. Шаклланаётган натрий госсиполатлари сувда эриб, турғун СНЭпарчалаш учун зарур бўлган, юза-фаол моддалар хоссасини намоён қиладилар.

Кўриниб турибдики, пахта гудронини NaOH сувли эритмаси билан қайта совунлантириш совунсимон ионогенли СФМ аралашмасини олиш имконини беради, ва улар СНЭ таркибидаги турғун сувли қобикларни бузишга қодир бўлган юқори намлантирувчи, кўпик шакллантирувчи ва ювувчи хоссаларга эгадир.


Шундай қилиб, пахта ёғ-мой саноати иккиламчи маҳсулотлари ва чиқиндилардан фойдаланиб, ишлаб чиқилган деэмульгаторлар ва совунсимон СФМ асосида турғун СНЭ парчалаш учун бир катор композицияларни ишлаб чиқиш мумкин.

Деэмульгаторлар композициясидан фойдаланишнинг устунлиги шундаки, ионоген бўлмаган СФМ сув глобулларининг бронловчи қатламини парчалайди, ионоген СФМ эса (ишкорий табиатли) унинг юзасидаги дисперс қўшимчаларнинг намлантирувчи ва ювувчи хоссаларини оширадилар.


Шу йўл билан, маҳаллий хомашё ресурслар асосида турғун СНЭ парчалаш учун деэмульгаторларни ишлаб чиқиш амалга оширилади.

Маълумки, вақт давомида эгри бурчак намланиши СФМ тавсифлайди ва унинг ўзгариши деэмульгатор композициялари компонентларини танлаш имконини беради.

Биз деэмульгаторнинг ювувчи қўшимчага 5 та нисбатининг намланиш бурчаги, шунингдек сувники намуна сифатида ўргандик. Олинган натижалар б-расмда келтирилган.



6-расм. Вакт давомида деэмульгатор композицияларнинг бурчак ҳўлланишини ўзгариши



7-расм. Сирт таранглигининг (δ) деэмульгатор композицияси миқдорига боғлиқлиги

6-расмдан кўришиб турибдики, СПГ (совунлантирилган пахта гудрони) нинг композиция таркибига киритилиши деэмульгаторнинг намланиш бурчагига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, СПГ фойдаланиладиган деэмульгаторларнинг намлаштириш ва ювиш хоссасини оширувчи совунсимон СФМ хоссаларига эга.

Сирт таранглиги деэмульгатор композицияларнинг асосий кўрсаткичлардан биридир, чунки бу хосса турғун СНЭни деэмульгирлашниш самарадорлигини белгилаб беради.

7-расмда ишлаб чиқилган деэмульгаторларнинг миқдорига боғлиқ ҳолда композициялар сирт таранглигининг ўзгариши келтирилган.

7-расмда кўриб турганингиздек, ишлаб чиқилаётган композицияларда деэмульгатор миқдорининг ошиши билан юза таранглик қиймати (δ) 80% гача экспоненциал равишда пасаяди ва кейинчалик ошиб боради. Бунга сабаб, композиция таркибидаги СПГ миқдорини кескин камайиши (20% дан паст) СНЭ коллоид-кимёвий хоссаларига салбий таъсир килади ва глобула диспергирланган сувнинг мустаҳкамловчи қобиғини янада жипслаштиради. Таклиф этилаётган СПГ совунсимон ионоген СФМ бўлиб, юқори даражада кўпик шакллантириш, намлантириш ва ювиш хоссаларига эгадир.

Юқори қовушқоқ нефтларни қувурлар орқали ташилишида, улардаги юқори гидравлик қаршиликни енгиш учун катта миқдорда энергия сарфланади ва бу уни амалга оширишнинг самарали шароитини танлаш заруриятини талаб килади.

Бунинг учун биз насос двигателининг қувватини ҳисоблашнинг умумлаштирилган формуласини шакллантирдик:

$$N = 0,2412 \cdot 10^3 ((\rho^{0,75} \cdot Q^{2,75} \cdot e)/(d^{4,75} \cdot \eta)) \cdot (0,01873 \cdot Q \cdot \rho \cdot \Delta/d^2 + \mu)^{0,25} + ((0,8115 \cdot 10^3 \cdot \rho \cdot Q^3)/(d^4 \cdot \eta)) + \sum \epsilon \text{ мс} \quad (2)$$

Бу ерда, қувурнинг геометрик ўлчамлари – унинг узунлиги ва диаметри, нефтнинг хоссалари – унинг зичлиги ва қовушқоқлиги, гидродинамик ҳусусиятлари: ҳажмий сарф, маҳаллий қаршилик йиғиндиси, насоснинг

фойдали иш коэффициентлари, каби параметрларга боғлиқ ҳолда, насос сарф қиладиган қувватнинг умумлаштирилган боғлиқлиги ҳисоблаб топилди. Барча келтирилган кўрсаткичлар ҳар бир муайян ҳолат учун тажрибалар асосида аниқланади.

Масалан, тўғри қувур учун $\sum \varepsilon_{mc} = 0$ ва бунда:

$$N = (\rho^{0,75} \cdot Q^{2,75} \cdot e \cdot \mu^{0,25}) / d^{4,75}; \quad (3)$$

Берилган формула (3)дан келиб чиқадики, қувватнинг максимал камайиши труба диаметрининг 4,75 даражасида кўпайганда содир бўлади; 2,75 даражасида – нефть сарфининг камайиши ҳосибидан; 0,75 даражасида – нефть зичлигининг камайиши ҳисобидан, 1 даражада – қувур узунлигининг камайиши ҳисобидан, 0,25 даражада эса – нефть қовушқоқлигининг камайиши ҳисобидан амалга ошади. Белгиланган боғлиқларни нефть қувурларини лойихалаш ва фойдаланишда инобатга олиш талаб этилади. Юқори қовушқоқликка эга нефтни қувурлар орқали узатишда бипланетар аралаштириш, унинг қувурлар орқали оқувчанлигини яхшиланганлиги туфайли, фойдаланиладиган қувватни 58% га камайтиради.

Шундай қилиб, айтишимиз мумкинки, қувурлар орқали транспорт қилишдан олдин нефть оқувчанлигини ($\tau=1/\mu$) ошириш учун уни бипланетар аралаштиргичдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нефтьлар қовушқоқлигини пасайтириш учун амалиётда табиий ва синтетик присадкалардан (кўшимчалардан) кенг фойдаланилади. Буни инобатга олган ҳолда, пахта мойини гидратация қилиш усули орқали, 75%гача лецитин ва 25% гача кефалин бўлган фосфолипидларни олдик. Фосфолипидлар табиий ионогенли СФМ ҳисобланади ва шу сабабли биз нефть қовушқоқлигини пасайтиришда улардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб чиқдик.

5-жадвалда, ФСФМ сарфига боғлиқ ҳолда, Жарқўрғон нефти қовушқоқлиги ва ҳаракатланиш динамик кучланишининг ўзгаришлари келтирилган.

5-жадвал

Жарқўрғон нефти қовушқоқлиги ва ҳаракатланиш динамик кучланишининг ФСФМ сарфига боғлиқ ҳолда ўзгариши


Нефтьларни реологик кўрсаткичлари	ФСФМ нинг қуйидаги сарфланиши, г/т						
	0	50	100	200	300	400	500
Динамик кўзғалиш кучланиши, Па	29,0	27,8	25,0	22,8	19,4	17,1	14,2
Динамик қовушқоқлик, Па·с	111,0	105,4	97,2	91,7	88,5	82,3	72,6

5-жадвалдан кўришиб турибдики, ФСФМ сарфи ошиши билан Жарқўрғон нефти қовушқоқлиги ва ҳаракатланиш динамик кучланиши пасайиб боради. Бу ҳолат мазкур нефтнинг қувурлар орқали ўтишда оқувчанлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. ФСФМ сарфини янада оширишни биз мақсадга мувофиқ деб ҳисобламадик, чунки нефтнинг таркибида бегона кўшимчалар ошиб боради.

Шундай қилиб, такидлашимиз мумкинки, ФСФМ ва бипланетар

аралаштиргичдан биргаликда фойдаланиш юкори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини анчага оширади, ва бу ҳолат ўрганиб чиқиладиган жараёнда синергетик эффект ҳисобидан амалга оширилади.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган адсорбентлар ва коррозия ингибиторларидан фойдаланиб газларнинг қайта ишлашга тайёрлаш жараёнларини тадқиқ қилиш**» деб номланган бешинчи боби пиролиз усулидан фойдаланиб, маҳаллий кўмир ва каолинлардан композицион адсорбентларни ишлаб чиқиш, хомашё газни кислотали компонентлардан аминли тозалаш жараёнини тадқиқ қилиш, ишлатилган аминли эритмаларни ишлаб чиқилган кўмир-каолинли адсорбент ёрдамида тозалашни ўрганиш, ҳамда олигомер антиоксидантлар, кувур ва жихозлар коррозияси ингибиторларини ишлаб чиқишга бағишланган.



8-расм. Грануляци қўмир-каолинли адсорбентни олиш схемаси

Нефтгаз саноатида қимматбаҳо импортдан келадиган адсорбентлардан фойдаланилади (фаоллаштирилган кўмир, силикагеллар, цеолитлар ва бошқалар), улар эса ўз навбатида хомашё газни қайта ишлашга тайёрлашнинг таннархини анчага оширади.

Маҳаллий адсорбентларни олиш учун Ангрен қазилма-конидаги кам кулли кўнғир кўмир ва тўйинтирилган каолинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

8-расмда маҳаллий хомашёдан пиролиз усули ёрдамида грануляцияланган кўмир-каолинли адсорбентини ишлаб чиқариш схемаси келтирилган.

6-жадвалда пиролиз ва 700-800°C ҳароратда қўшимча қўшиш усули ёрдамида ишлаб чиқилган кўмир-каолинли, углеродли ва каолинли

адсорбентларнинг таҳлил натижалари келтирилган.

6-жадвалдан кўришиб турибдики, кўмир-каолинли композицион адсорбентлар нисбатан ғовакрок бўлиб, назорат билан солиштирилганда (2 БПК ва АКТ-10) умумий ва ўтказувчи ғовакчаларининг хажми ҳамда микроғовакларининг радиуси каттароқдир.

6-жадвал

Ангрен кўмир-каолинли, углеродли ва каолинли адсорбентлар микроғовакларининг ўлчамлари ва ғоваклик кўрсаткичлари

Адсорбент тури	Ацетон бўйича ғоваклиги, %	Умумий ғоваклиги, см ³ /г	Ўтиш ғовакларининг ўлчами, см ³ /г	Микро-ғоваклар радиуси, мм
2 БПК маркали фаоллан-тирилган кўмир (назорат)	48,4	0,22	0,18	$1,18 \cdot 10^{-7}$
АКТ-10 маркали каолин	37,8	0,19	0,15	$1,05 \cdot 10^{-7}$
Кўмир-каолинли адсорбент, (%):				
75:25	52,3	0,24	0,17	$1,21 \cdot 10^{-7}$
50:50	58,7	0,26	0,19	$1,37 \cdot 10^{-7}$
25:75	49,5	0,25	0,18	$1,31 \cdot 10^{-7}$

Демак, импорт ўрнини босиш муаммосини хал қилишда, табиий газларни қуритиш ва ишлатилган аминли эритмаларни тозалаш учун маҳаллий кам қул миқдорига эга кўмир ва бойитилган каолиндан пиролиз ёрдамида композицион кўмир-каолинли адсорбентлар олиш мумкин.

Ишлаб чиқилган кўмир-каолинли адсорбентни тадқиқ қилиш куйидагиларни кўрсатди: ишлатилган аминли эритманинг тозаланиш даражаси 86-88% ташкил қилади; эритмани хлоридлардан тозалаш даражаси 84-85% ташкил қилади. АГ-3 билан солиштирилганда, ишлаб чиқилган кўмир-каолинли адсорбент ишлатилган аминли эритмадаги кўшимчаларни 10-15% кўпроқ сорбция қилиши аниқланди ва бу ҳолат мазкур саноатда ундан фойдаланиш мумкинлигини асослайди.

Газ қуритиш жараёнини биз 40-50°C ҳароратда динамик шароитлар ўрганиб чиқдик. Колонка орқали ўтадиган газнинг сарфи 5 л/дақиқани ташкил қилди. Ўрганилаётган адсорбентларнинг диаметри 3-5 мм атрофида бўлди. 7-жадвалда, бошланғич намлиги 8,5% бўлган, хомашё газни қуритиш натижалари келтирилган (D=50 мм).

7-жадвал

Хомашё газ намлигининг h/D нисбати ва адсорбент турига боғлиқ ҳолда ўзгариши

Колонна узунлигини (h) диаметрга нисбати (D), h/D	Адсорбент ёрдамида тозаланган газнинг намлиги, %		
